



ХАЛҚАРО МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАСИ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРГА ДОИР

М.Шамсиева

*ФарДУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси
доценти, PhD*

Азимов Аъзамжон

1- босқич магистранти

Аннотация: Мақолада халқаро меҳнат миграцияси, унинг турлари, халқаро меҳнат бозорларида ишчи кучини импорт ва экспорт қилувчи мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда халқаро меҳнат мигрантларининг ижтимоий манфаатлари борасида амалга оширилган ишлар ёритилган.

Калит сўзлар: Миграция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Ўзбекистон, ишчи кучи, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар Маркази.

Миграция сўзи латинча “migrans” сўзидан олинган бўлиб, у одамнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш учун бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга кўчишини билдиради. Миграцион жараённинг келиб чиқишини тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилса қадимги вақтга, яъни дастлабки меҳнат тақсимооти вужудга келиши ва чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши даврига бориб тақалади.

Бугунги кунда халқаро меҳнат миграцияси ишчи кучининг жаҳон мамлакатлари орасида кўчиб юриши ҳисобланади. Халқаро ишчи кучи миграциясини муддати бўйича қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- бутунлай (қайтиб келмаслик) миграция – аҳолининг бошқа мамлакатга доимий яшаш учун бориши;
- вақтинчалик (қайтиб келинадиган) миграция – аҳолининг бошқа мамлакатга маълум муддатга бориши;
- мавсумий миграция – аҳолининг бошқа мамлакатга маълум бир вақт мобайнида ва маълум бир муддатга бориши (масалан қишлоқ хўжалиги ишлари учун);
- маятникли миграция (кўп такрорланадиган) – ишчилар бир мамлакатда яшайдилар, лекин доимо ёки вақтинча бошқа мамлакатда ишлайдилар. Бу жаҳон ҳамжамиятининг чегарадош мамлакатларига хосдир (Польша, Германия, Россия, Ўзбекистон)¹¹⁴.

Халқаро меҳнат миграциясини тартибга солиш учун БМТ стандартлари ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) кўрсатма ва тавсияномалари ишлаб чиқилган.

¹¹⁴ Толаметова З.А. Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Иқтисод ва молия/экономика ва финансы. 2016. № 3.- Б.61





Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси 1990 йил 18 декабрда 45/158-сонли резолюция билан “Ишчи-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш тўғрисида”ги Халқаро Конвенция¹¹⁵ни қабул қилди. 2000 йил айна санада эса БМТнинг 55/93-сонли қарорига мувофиқ 18 декабрь санаси «Халқаро мигрантлар куни» деб эълон қилинди.

Ҳозирги кунда Халқаро меҳнат бозорининг биринчи маркази АҚШдир. Бу меҳнат бозорининг ўзига хос хусусияти шундаки, аввало илмий-техникавий ходимлар ёлланади, юқори малакали мутахассислар ишга қабул қилинади.

Халқаро меҳнат бозорининг иккинчи маркази Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобланади. Европа Иттифоқига кирувчи ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорига асосан ишчи кучини жалб қилади.

XX асрнинг охириги ўн йиллигида дунёда 45 млн меҳнат мигрантлари мавжуд бўлган бўлса, Жаҳон банки маълумотларига кўра, XXI аср бошида дунё миқёсида 200 млн мигрант мавжуд бўлиб, шундан 90 млн меҳнат мигрантларини ташкил этади¹¹⁶.

Айтиш жоизки, жаҳон меҳнат бозорида ишчи кучини етказиб берувчи давлатлар рўйхатига Ўзбекистон ҳам киради.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар Маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар таҳлилига кўра, Ўзбекистон ташқи меҳнат миграцияси жараёни асосан муддатли ва мавсумий характерга эга эканлиги, муҳожирларнинг аксарияти баҳор ва ёз ойларида хорижда ишлаб, қишки мавзумда ватанга қайтиши, уларнинг аксарияти Россия ва Қозоғистон ҳудудида норасмий секторда вақтинча, ҳуқуқлари ҳимояланмаган, малака талаб қилинмайдиган соҳаларда иш билан банд бўлишини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўз меҳнат мигрантларини ижтимоий манфаатлари йўлида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Жумладан, 2018 йил 12 декабрда Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилди. Халқаро миграция ташкилоти Конституциясида мигрантлар ҳуқуқини самарали таъминлаш, мигрантларга йиғим, танлов, миграцияга тайёрлаш, тил ўргатиш, мигрантларга ахборот бериш, тиббий кўриқдан ўтказиш ва бошқа миграцион хизматларни кўрсатиш кўрсатилган⁴.

2019 йил 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг меҳнат миграцияси иштирокчиларининг ижтимоий манфаатлари ҳимояси борасида “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш

¹¹⁵ Ишчи-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш тўғрисида»ги Халқаро Конвенция. БМТ Бош Ассамблеяси 1990 йил 18 декабрда 45/158-сонли резолюцияси.

¹¹⁶http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/ed_norm/relconf/documents/meetingdocument/wcms_240032.pdf. Б.29.

⁴ Norma.uz. Ўзбекистон халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилди. 27.12.2018.





кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида” ги Фармони⁵ қабул қилиниб, мазкур ҳужжатда вақтинчалик ишлаш учун чет элга кетаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан бирга, меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг яшаши, меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш борасида ҳам қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат миграцияси борасида хорижий мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтормоқда. Хусусан, бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларининг меҳнат вазирликлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

БМТ агентликлари ва халқаро институтлар билан яқин ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда. 2017 йил 28 феврал куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ўзаро англашув Меморандумини имзоланди. 2018 йил 27 ноябр куни Женевада БМТ нинг миграция масалалари агентлиги Халқаро миграция ташкилоти Кенгашининг 109-сессиясида Ўзбекистоннинг ХМТ нинг 173- аъзоси бўлди⁶.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқоридаги халқаро ҳамкорлик меҳнат мигрантларининг ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга ва ўз ўрнида мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Толаметова З.А.Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Иқтисод ва молия/экономика и финансы.2016. № 3.- Б.61
- 2.Ишчи-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш тўғрисида»ги Халқаро . Конвенция. БМТ Бош Ассамблеяси 1990 йил 18 декабрда 45/158-сонли резолюцияси.
- 3.http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/ed_norm/relconf/documents/meetingdocument/wcms_240032.pdf. Б.29.
- 4.Norma.uz. Ўзбекистон халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилди.27.12.2018.
- 5.Parlament.gov.uz // М.Ходжаева. Халқаро миграция ташкилоти конституцияси ратификация қилинди: бу нимани англатади.13.12.2018.
6. Ўзбекистон Миграция халқаро ташкилотига аъзо бўлди. Халқ сўзи. 28 ноябр 2018 йил

⁵ Parliament.gov.uz // М.Ходжаева. Халқаро миграция ташкилоти конституцияси ратификация қилинди: бу нимани англатади.13.12.2018.

⁶ Ўзбекистон Миграция халқаро ташкилотига аъзо бўлди. Халқ сўзи. 28 ноябр 2018 йил.





7. Шамсиева М.Х. Миграцион жараёнлар ва пандемия даврида меҳнат мигрантларнинг ижтимоий муҳофаза этилиши.// Марказий Осиё давлатларида диаспоралар равнақи – барқарор ривожланишнинг муҳим омили мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.2022 йил 10-11 май. – Б.355-357.

